

Ishonch

2019 йил 2 июль • сешанба • № 80 (4209)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июль куни геология соҳасини янада ривожлантириш, геологик қидирув ва қазиб олишни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда саноатлаштириш мумкин бўлган 73 турдаги фойдали қазилма захирасига эга 2 мингдан зиёд кон бор. Шундан 437 таси ўзлаштирилмаган. Янги истиқболли конларни ўрганиш етарли даражада эмас. Қидирув ишларига жалб қилинаётган техникаларнинг 70 фоизи эскирган.

Соҳага инвестициялар жалб қилиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш ишлари ҳам сустилиги қайд этилди. Бугунги кунда 111 та истиқболли коннинг атиги 14 тасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 39 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда, холос.

Йиғилишда геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари учун белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш, бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш, тармоққа хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Геология-қидирув ишларини молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш, хорижий экспертларни жалб этиб, энг илғор тажрибани амалиётга жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. 2020-2021 йилларга

мўлжалланган мутлақо янги форматдаги қидирув ишлари дастурини шакллантириш, соҳанинг моддий-техник базасини янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Минерал хомашё базасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш, жумладан, конлар захираларини JORC кодекси талаблари асосида ҳисоблаш ва маълумотлар очиқлигини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига янги инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш ҳамда уларни ўз веб-сайтларига жойлаштириш, хорижда бизнес тadbирлар ва роуд-шоулар ташкиллаштириш орқали салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Вольфрам, графит каби талаб юқори хомашёлар бўйича инвестиция жалб қилиб, камида 20 та лойиҳани амалга ошириш юзасидан топшириқ берилди.

Соҳадаги бугунги ҳолат ва йиғилишда қўйилган вазифалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

ЎЗА



БОЛАЛАР ВАҚТИНИ ЧОҒ ЎТКАЗМОҚДА

Жорий мавсумда вилоятнинг Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ туманлари ва Шахрисабз шаҳрида фаолият кўрсатаётган 18 та стационар болалар оромгоҳида 25 минг 90 нафар бола дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Кўрилган пухта тайёргарлик болаларнинг ёзги таътилини маънавий ва эсда қоларли ўтказишига имкон яратмоқда. 1000 дан зиёд қизиқарли адабиётлар билан бойитилган кутубхона доимо гавжум. Оромгоҳда ҳар

куни кўнгилочар тadbирлар, интеллектуал викториналар, спорт мусобақалари, «Ёш китобхон», «Сиз тарихни биласизми?», «Балли, йигитлар» каби танловлар ўтказилиши аънаёнага айланган. Оромгоҳда болаларга

Китоб туманидаги «Ёш алангачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида шу кунларда 900 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда.

малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши доимий назоратда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар

КАСАБА УЮШМА ЁШЛАРИНИНГ «ТЕМП – 2019» ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ФОРУМИ ДУНЁ НИГОҲИДА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан жорий йилнинг 23-27 июнь кунлари ташкил этилган касба уюшмалари ёшларининг «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форуми ёрқин таассуротларга бой бўлди. Бунинг форумда турли давлатлардан қатнашган иштирокчилар эътирофи ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида ҳам кўриш мумкин.



«ТЕМП» ЯНГИ УҒЛАР ОЧМОҚДА

Учрашув қатнашчиларининг фикрича, бу йилги форум жуда юқори савияда ўтди. Ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур ёшларнинг ўзига хос фикр алмашиш майдони бутун дунёда ўхшаши йўқ. Чунки бу ерда касба уюшма ёшлари илғор тажрибаларни ўртоқлаштириш ҳамда ўзлари учун янги билимларни олишлари мумкин. «ТЕМП»нинг бу йилги янги манзили Ўзбекистон бўлгани ҳам бежиз эмас, у ўз доирасини кенгайтириб, ўзи учун янги уфқларни очмоқда.

Форум ёрқин таассуротлар ва фойдали тренингларга бой бўлди.

vkr.ru

Касба уюшмалари
Умумқонфедерацияси веб-сайти

ЮКСАК САЛОҲИЯТГА ЭГА АНЖУМАН



Ушбу форумни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад турли мамлакатлар касба уюшмалари ёшларини бир жойга жамлаб, ўзаро тажриба алмашишлари учун имконият яратишдан иборат.

– Бугун шуни англадикки, мазкур форум биз ўйлагандан ҳам кўпроқ салоҳиятга эга экан, – дейди Беларусь касба уюшмалари Федерацияси раиси Михаил Орда. – Форум нафақат ка-

саба уюшма ёшлари учун янги билимларни беришти, балки турли мамлакатлар касба уюшма марказлари ўзаро ҳамкорлигининг янги босқичи бўлиб ҳам хизмат қилмапти. Бу ерда ёшларимиз ўз мамлакатлари доирасидаги ҳамда халқаро миқёсда меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар ечимини таклиф қилишмоқда.

belta.by

БЕЛТА – Новости Белоруссии
Беларусь Республикаси
ахборот агентлиги

БАРЧАНИ РОМ АЙЛАДИ

Форумнинг энг эсда қоларли воқеаси расмий очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков, Беларусь касба уюшмалари Федерацияси раиси Михаил Орда ва Россия Мустақил касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Александр Шершуковнинг сўзга чиқишлари барча-барчанинг эътиборини тортиди. Яна бир ажойиб жиҳати, бу форумнинг концерт дастури бўлиб, ҳар бир иштирок этиётган мамлакат вакиллари учун уларнинг миллий куй-қўшиқлари янгради. Ўзбекистон меҳмондўстлиги билан барчани ўзига ром этди!

msfnpr.ru

Россия Мустақил касба уюшмалари
Федерацияси Ёшлар кенгаши
веб-сайти

ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН УЧРАШУВ

– Ўтган тўрт йил ичида Беларусга форумда қатнашиш учун 30 га яқин мамлакатдан мингдан зиёд ёшлар ташриф буюришди. Форумнинг бу йилги манзили Тошкент шаҳри



бўлди. Умид қиламизки, энди у ҳар йили турли мамлакат ва ҳудудларда бўлиб ўтади ва бу мазкур ҳаракатга янада кўпроқ ёшларни жалб этиш имкониятини яратди, – дейди Беларусь касба уюшмалари Федерацияси раиси Михаил Орда.

slnovest.by

Слонимский весник
slnovest.by
(Беларусь Республикаси)

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАЙДОНИ



Форум доирасидаги халқаро илмий конференцияда ёшлар бандлиги, таълим ва малака ошириш, турли мамлакатлар ёшлар сиёсати ва ижтимоий ривожланиш соҳасида Ўзбекистоннинг илғор тажрибаси каби масалалар муҳокама этилди. Мазкур форумнинг бу галги маркази Тошкент шаҳрида жойлашди. Унда 20 га яқин мамлакатдан келган ҳамда Ўзбекистон касба уюшмаларининг фаол ёшлари иштирок этди.

beltelecom.by

«Белтелеком» Беларусь
Республикаси
электр алоқа унитар
корхонаси веб-портали

ДЎСТЛАР ОРТТИРДИК

– Форум ташкилотчиларининг меҳмонларни илиқ кутиб олиши, ўз мамлакатини имкон қадар кўпроқ кўрсатиш иштиёқи барчамизни лол қилди, – дейди форумда илк бор қатнашаётган «Беларусбанк» ОАЖ

Минск бошқармаси 500-сонли филиалининг реклама ва ахборот бўлими менежери Алёна Голович. – Атига бир кун ичида мен ўнлаб янги дўстлар орттирдим. Қувонар-

1PROF.BY

лиси шуки, мазкур форумда касба уюшмалари фаолиятига чуқур эътибор қаратилди. Бошқалар тажрибасини ўрганиш билан бир қаторда ўз ютуқларимиз билан ўртоқлашдик.

1prof.by

Беларусь касба уюшмалари
Федерацияси веб-портали

ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ



Форумнинг мақсади – тadbирга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон касба уюшмаларининг ёш фаолларини мамлакатда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари, унда касба уюшмаларининг иштироки, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар, Ўзбекистоннинг ривожланишида муҳим ўрин тутаятган корхоналар, миллий маҳсулотлар билан таништириш, илмий салоҳиятини намоён этишдан иборат бўлди.

Аҳамиятли жиҳати, иштирокчи-

ларга руҳий кўтаринкилик бағишлаш мақсадида жисмоний маҳсулотлар билан шуғулланиш имконияти яратилди. Спорт мусобақаларига тайёргарлик, Ўзбекистоннинг машҳур спортчилари, жаҳон, олимпия чемпиони, гроссмейстерлар билан учрашув, мини-футбол, баскетбол, волейбол, сузиш, стол тенниси, бадминтон, шахмат, шашка бўйича дўстлик спорт мусобақалари қатнашчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

fprk.kz

Қозғоғистон касба уюшмалари
Федерацияси веб-портали

РАҲМАТ, ЎЗБЕКИСТОН! РАҲМАТ, «ТЕМП-2019»!

Форум доирасида Россия, Беларусь, Хиндистон, Украина, Миср ва бошқа давлатлар вакиллари касба уюшма ёшлари билан ишлаш тажрибаси билан ўртоқлашди. Хусусан, Россия вакили Пётр Гневашев ўз чиқиши билан барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Ундан сўнг ташкилотчилар иштирокчиларни миллий хунарамандчилик маҳсулотлари кўргазмасига ва ўзбек миллий таомларидан татиб кўришга таклиф этишди. «Плов-party» ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Меҳмонлар завқ билан ўзбек миллий таомларини тановул қилишди.

Форумнинг ёпилиш маросими ҳам эсда қоларли бўлди. Барча иштирокчилар шу кунлар ичида чин дўстга айланишди ва кейинги учрашувни интиқлик билан кутишларини билдиришди.

Раҳмат, Ўзбекистон!
Раҳмат, «ТЕМП-2019»!

fpso.ru

Самара вилояти касба уюшмалари
Федерацияси Ёшлар кенгаши
(Россия Федерацияси)



Мамлакатимизда 30 июнь – Ёшлар куни кенг нишонланди.

uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев барча йигит-қизларни Ўзбекистон ёшлари куни билан табриклади.

president.uz

Президент қарори билан бир гуруҳ фаол ёшлар «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди.

uza.uz

Афғонистон Ислом Республикасининг Мозори-Шариф шаҳрида «Made in Uzbekistan» миллий маҳсулотлар кўргазмаси иш бошлади.

uza.uz

Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари ва Афғонистон Ислом Республикаси чегаралари туташган ҳудудда Ўзбекистон ҳамда Тожикистон Республикаси чегара қўшилларининг ҳамкорлигида ўқув машғулотли ўтказилди.

uza.uz

Дониёр Қодиров Ички ишлар вазирининг Туризм ва транспорт объектидаги хавфсизлиги таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

mvd.uz

Ерполат Еденбаев Мўйноқ тумани ҳокими этиб тайинланди.

makan.uz

Қобулжон Аҳмедов «Ёшлар» телеканалига раҳбар этиб тайинланди.

uza.uz

1 июлдан сиртки таълимга ҳужжатлар қабули бошланди.

kun.uz


2019 йил 1 июлдан ОТМ ўқитувчилари маоши ошди.

«Хўқўқий ахборот» канали

Қашқадарё вилояти Ғузур тумани ҳудудидан 2625-2760 метр оралиғидаги маҳсулдор қатламдан саноат миқёсидаги табиий газ оқими топилди.

«Ўзбекнефтегаз» АЖ Матбуот хизмати

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муасссаларида навбатдаги битирув муносабати билан тантанали тadbирлар ўтказилди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти



Самарқанд вилояти

Самарқанд вилояти ҳоқимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида 2017-2019 йиллар учун имзоланган ҳудудий келишув муҳокамасида бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар тилга олинди. Хусусан, ялпи ички маҳсулот таркибида ёлланма ходимларнинг даромадлари ҳудудий келишувда белгиланган миқдордан камлигича қолмоқда. Боз устига, кўплаб нодавлат шаклидаги корхоналарда ходимларнинг ижтимоий, меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини ташкил этишда жамоатчилик назорати ўрнатилмаган...

Ишчи-ходимларни қандай ҳимоя қиламиз?

Ёхуд касаба уюшмасисиз ташкилотлар ҳақида мулоҳазалар

Сабоби оддий – ушбу меҳнат жамоаларида касаба уюшма ташкилоти тузилмаган, ишловчилар манфаатларини таъминлашда ижтимоий шериклик муносабатлари ўрнатилмаган.

– Ўттиз саккизта нодавлат ташкилот раҳбарлари билан учрашиб, расмий равишда ижтимоий шериклик хусусидаги таклифларимизни етказганмиз, – дейди Истеъмолов. Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Дилбар Мустафоқуллова. – Аксарият корхоналар мутасаддиларидан ҳамкорлик қилишга муҳтожлигимиз йўқ, деган жавобни эшитдик.

Нима ҳам дердик, корхона фаолиятини ташкил этиш, ишни изга


солиш, ҳамкор топиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Қолаверса, иқтидори тошни ёрганда ҳам бир киши барибир бир киши-да. Шундай экан, юзлаб одамларнинг номидан хулоса чиқариш тўғрисида...

Самарқанд шаҳридаги 200 нафардан 400 нафаргача ходим меҳнат қилаётган «Асл нафис», «Ботенда», «Самарқанд Бухоро ипак гиламлари», «Прайн Керамкс», «Самарқандмрам», «Ас-Клепей», «Оби-рахмат», «У – текстиль сров» каби корхоналар ва кўплаб меҳмонхоналарга (ресторан, кафе, бар, ошхоналарни айтмай кўя қолмайлик) қилинган мурожаатлар бе-самар кетмоқда. Мазкур корхоналар мутасаддилари лоақал бир эн-лик жавоб беришни ҳам ўзларига эп кўрмагани-чи? Хўш, бу корхоналарда ходимлар меҳнатини

муҳофазалаш ишлари шу қадар жойидими? Ходимларга қонунлар талаби даражасида шарт-шароит яратилганми? Меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари устидан жамоатчилик назорати қай даражада? Шунга ўхшаш бир қатор саволлар ҳамон очиклигича қолмоқда.

Касаба уюшмалари билан йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келган «SAG гиламлари» корхонаси ҳам йириклашиб олгач, жорий йилнинг январь ойидан касаба уюшмалари билан бўлган алоқаларига барҳам берганини маълум қилиб, муносабатни узди-қўйди. Самарқанд вилояти саноатининг устунларидан бирига айланиб бораётган корхонага наҳотки шу муносиб бўлса?

Иқтисодий юқалишда ҳам, одамларни иш билан банд этишда ҳам инқилобий қадам ташлай ол-



ган «Зарафшон текстиль» (собиқ «8 март») тикув ишлаб чиқариш мажмуасида касаба уюшма ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Корхонада касаба уюшма аъзоларидан ойлик бадаллар ойма-ой жамланса-да, аммо икки йилдан бери бу маблағлар маъмурият топириғи билан ушлаб турилибди. Мурожаатларга катта миқдордаги кредит вақт қилиб кўрсатилаётир. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Ўрни келганда ҳақли бир савол: тadbиркорга шунча шароит, имтиёз-у қафолатлар нима учун яратиб берилаётир?

Жавоб оддий: мақсад – одамларни фойдали иш билан таъминлаш, янги, муносиб даражадаги

иш ўринлари яратиш. Аммо... Самарқанд ва Ургут эркин иқтисодий зонасидаги янги ташкил этилган бир қатор корхоналарда бўлганимизда (бу бетакаллуф учрашувни ноилож тилга оляпмиз) раҳбарлар барчанинг фикрини ифодалаётганидан афсусландик. Лоақал бир оғиз бўлса-да, ишловчилар фикрини сўраб билайлик, деган гап чиқмади.

Уч томонлама ҳудудий келишувга имзо чеккан Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси нега бу масалага бефарқ? Ижтимоий шерик сифатида шартларни бажаришга улар ҳам масъул-ку?!

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Долзарб мавзу

Юртимиз санаторийларида

Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва дам олишини ташкил этиш, турли соҳа ишчи-хизматчиларининг мазмунли ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини тиклашда дам олиш масканларининг ўрни катта. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармасига қарашли «Чинобод» санаторийси шундай муас-сасалардан бири.

«Чинобод»га яна келаман

Ассосан ошқозон ва ичак касалликларини даволашга ихтисослашган «Чинобод»да аҳолининг кенг қатламига тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Сўлим ва хушманзара гўшада жойлашган сиҳат-гоҳда дам олувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши, соғлигини тиклаши учун яратилган қўлай-ликлар, хусусан, ошқозон, ўт қопи, ичакларни ювиш муолажалари миҳозларга маъқул келмоқда. Шунингдек, бу ерда, асаб, қон босими, бўғин касалликларини даволашга йўналтирилган муолажалар мавжуд.

«Ўзбектрансгаз»нинг вилоят филиалида ишлайман, – дейди Хоразм вилояти Янгияриқ туманидан келган ишчи Бойназар Бобожонов. – Касаба уюшма ташкилоти томонидан ажратилган йўланма асосида дам олишга келдим. Ошқозон-ичак тизимида муаммолар борлиги туфайли олдин ҳам бу ерда даволанганман. Ҳозир санаторийда хизмат кўрсатиш сифати ва кўлами кенгайганига гувоҳ бўлдим. Замонавий асбоб-ускуналар турли муолажаларни кўнгилда-гидек қабул қилишга кўмак беради. Ўзимни анча тетик ва соғлом ҳис этмоқдаман.

Ҳозир мактабларда таътил пайти. Шу боисдан ҳам масканга таътир буюраётган устоз-мураббийларни кўплаб учратиш мумкин. Улардан бири Зулайхо Саманова.

– Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жарқўрғон туман кенгаши мени йўланма билан таъминлади, – дейди у суҳбат чоғида. – 7-мактабда кўп йиллардан буён ёш авлодга сабоқ бериб келаялман. Меҳнатларим инобатга олиниб, аввал ҳам шу сиҳатгоҳда соғлигимни тиклаганман. Қолаверса, бу ерда дам турили маданий-маърифий тadbирларга алоҳида эътибор қаратилади. Таниқли санъаткорлар, ижодкорлар билан учрашувлар мунтазам ўтказилади. Ҳам даволаниб, ҳам маданий ҳордиқ чиқариш ҳар қандай касб эгасига куч-қувват бағишлаши табиий.

«Чинобод»да қўшни давлатларнинг фуқаролари ҳам даволанаётгани кишида фахр ҳиссини уйғотади. Замира Охунова меҳнат фахрийси, Чимкент вилоятида истиқомат қилади. Биз билан суҳбатда у ўн еттинчи марта шу масканда дам олаётганини мамнуният билан айтди. Санаторийдаги хизмат кўрсатиш маданияти, шифокорлар малакаси, тўйимли ва шифобахш таомлар саломатлигини тиклашга ёрдам бераётганини қайта-қайта таъкидлади.

Ишчи-хизматчилар ва меҳнат фахрийларига замон талаби даражасида хизмат кўрсатиш жамоанинг асосий вазифасидир. Дам олувчиларга ташхис қўйиш учун энг замонавий лаборатория асбоб-ускуналари ва тиббий жиҳозлар мавжуд. Шифокорларнинг касбий малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда ер ости ва ер усти бойликлари бисёр. Лекин биз учун энг катта бойлик инсон саломатлигидир. Шу боис ҳам давлатимиз йуртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва дам олишини тўғри ташкил этишга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга устувор вазифа сифатида қараб келмоқда. Зеро, соғлом инсон жамият тараққиётига ҳисса қўйишга қодир, унинг меҳнат фаолияти самарали бўлади, оила-сидан кут-барака аримайди.

А.СОДИҚОВ,
журналист



Сирдарё вилояти

Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида шифокор-проктолог бўлиб ишлаган Абдуҳалил Матқулов узоқ йиллар давомида меҳнат таътилига чиқмаган.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Меҳнат таътили куйиб кетмади

Ишимик инсульт касаллигига чалиниб, биринчи гуруҳ ногиронлиги тайинлангач, ўз аризасига кўра у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бироқ иш бевуручи унинг ишлаган давридаги фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун бор-йўғи 30 кундан иборат пуллик компенсация тўлашга қарор қилган, холос.

Бундан норози бўлган А.Матқулов Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ариза ёзди. Ўрганиш жараёнида А.Матқуловнинг 10 йиллик ишлаган даврида меҳнат таътилига чиқмагани маълум бўлди. Меҳнат кодексининг 151-моддасига мувофиқ унга шу даврларда фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация қайта ҳисоб-китоб қилиниб, тўлаб берилиши лозим эди.

Яқинда Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг иш бевуручи номига киритган тақдирнома-сига ассосан вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази А.Матқуловга фойдаланилмаган 10 йиллик меҳнат таътиллари учун 19 533 446 сўм компенсация пулини тўлаб берди. Шу тариқа ходимнинг илгари фойдаланилмаган меҳнат таътиллари куйишига йўл қўйилмади.

Ширини УМАРАЛИЕВА,
Сирдарё вилояти
касаба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси
юрдик бўлими мудири

«Чимён»да чиниқяпмиз

Ёзги соғломлаштириш



– Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир, – дейди «Аммофос-Максам» АЖ касаба уюшма кўмитаси расиси Махсудали Маматов. – Ҳар бир навбатда 360 нафар ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқариши, унутилмас таассуротлар билан мактаб

кучоғига қайтиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Танловлар ва спорт мусобақалари, ёзувчилар, санъаткорлар, спорт усталари билан учрашувлар, оромгоҳ жойлашган ҳудудлар тарихи билан таништириш, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар билан мулоқотлар уюштирилиши ушбу мақсадга хизмат қилмоқда.

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги «Аммофос-Максам» АЖ тасарруфидаги «Чимён» оромгоҳида мавсум давомида 7-13 ёшли бир минг саккиз юздан зиёд ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган.



Жорий йилда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти 4-5 навбатда ташкил этилиб, 7830 нафар болажонни қабул қилиши режалаштирилган.

Шаҳина ЖўРАЕВА,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгашининг
етанчи мутахассиси

Энг намунали бошланғич ташкилот

Муносиблар ичра муносиб


«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини янада ошириш, илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият юритиш учун зарур шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Тармоқ тасарруфидаги 130 дан ортиқ бошланғичларнинг жойларда жамоа шартномалари бажарилиши, ишчи-ходимлар ижтимоий манфаатларини таъминлаш борасида ташкилий тadbирларни амалга оширишда ҳиссаси катта, албатта. Танлов жараёнида бу борадаги фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш имкони яратилди.

Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика кенгаши комиссияси томонидан тақдим этилган жами 35 та ҳужжат ўрганилди ва баҳолаш мезони асосида тегишли баллар қўйилди.

Танловнинг Республика босқичида «Максам-Чирчиқ» АЖ касаба уюшма ташкилоти 1-, «Кўнғирот сода заводи» МЧЖ касаба уюшма ташкилоти 2-, «Фарғонаазот» АЖ касаба уюшма ташкилоти 3-ўринга муносиб кўрилди.

Мухайё ХОЛБОВЕВА,
Кимё ва фармацевтика саноати
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг ташкилий
ишлар бўйича бош мутахассиси



Бухоро вилояти

Вилоятимизга келган меҳмонлар кўпинча, «Нега Бухорода бирорта дам оладиган, кўнгилочар, томошабоп жой, тузукроқ парк, болалар боғи, 5D кинозаллар йўқ!» деб сўрашади. Шу тўрттаги бўлим, ўзим бу борада жиддий лойиҳага қўл уриш ҳақида бир таштакма келдим ва «Дунё болалари боғи ва сув парки мажмуаси» ғояси устида иш бошладим.

Дунё болаларига ажойиб тухфа

Бу лойиҳа барча мурғак қалб эгаларига – ҳам маҳаллий болаларга, ҳам сайёҳларнинг фарзандларига мўлжалланган. Тахминан ўн-ўн беш гектарлик майдонда бир йўла ўн уч объектни қамраб олувчи мажмуани кўз олдингизга келтиринг-а. Ундаги инновацион кутубхона, «Lego and Kinderland city» («Лего ва Болалар мамлақати»), кўнгилочар замонавий оромгоҳ, инновацион боғча, замонавий аттракцион, мусиқали фаввора ва сунъий ҳавзалар, «Acqua park» ёзги ва қишки бассейни, спорт мажмуаси, миллий ва европача таомлар тайёрланадиган ошхона ҳамда ресторани, эго ва гүл

лар боғи (ландшафт дизайни), бадий ижод, рассомчилик, хунармандчилик билан шуғулланишга йўналтирилган «Болалар шаҳарчаси», очик-ёпиқ кўринишдаги кинотеатрлар, 3D ва 5D форматдаги ўйин ҳамда кинозаллар, қолаверса, цирк томошалари манежи... Шуларнинг бари болаларга хизмат қилишига ишонаман.

Интернет орқали билдимки, ҳали дунёнинг ҳеч бир ерида кичкинтойларга аталган бундай кенг қамровли, бир жойнинг ўзида ушбу имкониятлар жамулжам бўлган универсал маскан йўқ экан. Бундай мажмуа лойиҳасини тузишда АҚШ ва Россиядаги инновацион боғчалар, Синга-

пурдаги ғаройиб аттракционлар, БААдаги «Aquarium» ресторани, мусиқали фаввораларнинг конструкцияси, кўриниши, шароитлари, хусусиятларидан фойдаландим.

«Дунё болалари боғи ва сув парки мажмуаси»ни Бухоро шаҳридаги «Экобоғ» ҳудудида барпо этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки Бухоро халқаро аэропортига ёндош бу маскан сайёҳлар эътиборини ҳам торттиришга шубҳам йўқ. Улар парвозгача бўш вақтларини фарзандлари билан шу ерда мароқли ўтказишлари мумкин бўлади.

Лойиҳа татбиқини давлат-хусусий шериклик ва чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда амалга ошириш кўзда тутилган. Мутасаддиларнинг инновацион ғоямини қўллаб-қувватлаётгани уни янада такомиллаштиришга ундаяпти.

Мазкур лойиҳам билан Ёшлар иттифоқи томонидан эълон қилинган «Инновацион ғоялар етакчиси» танловида қатнашиш ниятидаман. Уни мазкур ташкилот вакиллари ҳам қўллаб-қувватлайди, деган умиддаман. Мақсадим амалга ошса, бу мурғак қалб эгалари учун катта совға бўлишига ишончим комил.

Бахтиёр МУРОВОВ,
Бухоро муҳандислик технологиялари
институтини докторанти, ёш лойиҳачи

Олий таълим муассасаларига имтиҳон кунлари тобора яқинлашмоқда. Бундай пайтда абитуриентлар, уларнинг ота-оналари, умуман, барчанинг эътибори тест жараёнларининг ташкил этилиши билан боғлиқ янгиликларга қаратилади. Айниқса, йўналишда кичик ўзгариш ёки янгиликнинг ҳам бир инсон тақдирига жиддий таъсир кўрсатишдек аҳамиятли эканини англасак, бундан аҳоли ва ёшларни бохабар этиш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги маълум бўлади.

Миллий матбуот марказида Республика давлат тест маркази мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган брифингда жорий йилги тест имтиҳонларига кўрилатган тайёргарлик, жорий этилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар ҳақида сўз борди.


ДТМ: Имтиҳонда қандай янгиликлар бор?

ТЕХНИК ИМКОНЯТЛАР ЕТАРЛИМИ?

25 июлдан 20 августга бўлган фурсатда минглаб абитуриентларни тест имтиҳонларидан ўтказишга Давлат тест маркази қандай тайёргарлик кўрмоқда?

Конференцияда таъкидланишича, бугунги кунда республика бўйича 69 та бино имтиҳон аудиторияси сифатида ажратиб олинди. Уларнинг энг каттаси 1710, энг кичиги 240 ўринлидир. Уларда бир кунда ва 2 навбатда 1 277 та гуруҳда жами 38 минг 310 нафар абитуриент тест топшириши мўлжалланмоқда. Тест синовларининг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида бир кунда 2 минг 554 нафар назоратчи жалб этилиши белгиланган. Ҳар бир аудиторияни ташқаридан ота-оналар кузатиши учун экранлар ва камералар сони ўтган йилгига нисбатан кўпайтирилмоқда. Абитуриентлар учун салқин ва яхши шароитни таъминлаш учун жойлардаги ҳокимликларнинг ёрдами билан ҳар бир аудиторияни керакли даражада совутиш тизимлари билан таъминлаш чоралари кўрилкоқда.

Масъулларнинг айтишича, абитуриентлар учун тест китобчаларини тайёрлашга, жавобларни қисқа вақтларда текшириб натижаларни эълон қилишга Давлат тест марказининг имкониятлари етарли. Ушбу вазифаларни бажаришда юқори аниқликка эга техник мосламалар ва технологиялар келтирилди. Жумладан, 5 дона «Сапоп 8595» маркали, 25 дона



«Куосега 4020» маркали принтерлар, тест топшириқлари китобини тикувчи 15 дона «Rapid 106» маркали электро степлерлар техник кўриқдан ўтказилди ва ишчи ҳолатга келтирилди.

ИЛК БОР ГРАФИКЛИ ВА РАСМЛИ ТЕСТЛАР

Жорий йил намунавий тест топшириқлари 1500 дан ортиқ бўлажак абитуриентлар иштирокида тажриба-синовдан ўтказилиб, тест саволларининг ишончилиги, аниқлиги, мураккаблик

даражасининг тўғри танланганлиги каби жиҳатларга кўра ўрганилди.

Тест топшириқлари базасини шакллантириш бўйича Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония давлатлари тажрибалари ўрганилиб, бу йил илк бор янгилик киритилди. Яъни, тест топшириқларида график, ёзувсиз карта ва расмлар қўлланилмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш учун Картография ва геодезия илмий ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузилди. Улардан 40 дан ортиқ шаблон-карталар олинди ва шулар асосида

тест топшириқлари ишлаб чиқилмоқда.

Таъкидланишича, бу йил абитуриентларга тақдим этиладиган тест саволлари имтиҳонлар ўтгач Давлат тест марказининг сайтыда эълон қилинади ва мутахассислар, кузатувчилар, педагоглар ҳамда ота-оналар бемалол уларни мураккаблик, хатолик ёки бошқа жиҳатлари бўйича таҳлил қилиб, ўз муносабатларини билдиришлари мумкин.

АБИТУРИЕНТ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда бинолар учун 1155 тадан ортиқ видеокузатув камералари, илк бор 120 дона мобиль алоқаларини тўсуччи қурилма (глушитель), абитуриентлар сонидан келиб чиққан ҳолда металлорамалар, бармоқ изи асосида таъиниш воситалари тайёрланмоқда.

Дарвоқе, бу йилги қабул жараёнида ҳужжатлар қисқаргани ва соддалаштиригандан хабарингиз бор. Абитуриент ўзи билан бор-йўғи фуқаролик паспорти ва мактаб, лицей ёки касб-ҳунар коллежини битирганлиги ҳақидаги ҳужжатни иловаси билан бирга олиб боради. Имтиёзга эга абитуриентлар эса бунга қўшимча имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни ҳам тақдим этишлари лозим. Қабул жараёнида мазкур ҳужжатлардаги маълумотлар компьютерда масъуллар томонидан рўйхатга олинади ва қайтариб берилади. Абитуриентнинг расми ҳам сўралмайди. Ҳужжатларда келтирилган маълумотлар асосида ички ишлар бўлинмаларидан ийигит ёки қизнинг паспорт учун тушган расми олинади. Бу ҳол имтиҳонга кириш жараёнида абитуриентларнинг ўрнига бошқалар киришига йўл қўймасликда ҳам асқотадди.

Хуллас, жорий йилда абитуриент ёшларимиз учун квоталар, ногиронлар ва имтиёзли тавсиянома эгалари учун алоҳида қўшимча ўринлар ажратилмоқда. Янги олий таълим муассасалари ишга тушириляпти. Қолаверса, бирданига учта ОТМга ҳужжат топширишдек бундан бир неча йиллар орзу бўлган имкониятлар яратилмоқда.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимияти ободонлаштириш бош бошқармасининг марказий майдонларни ободонлаштиришга ихтисослаштирилган бошқармасининг 28.06.2019 йилдаги № 149-сонли буюртмасига асосан бошқарма ҳисобидаги дарахт гулаларидан ҳосил бўлган жами 12,31 м.куб тахталар (7,95 м.куб дуб дарахти ва 4,36 м.куб чинор дарахти) чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 13 791 000 сўм.

Очик аукцион савдолари 2019 йил 2 август куни соат 11:00да ташкил қилинади.

Талабгорлар диққати!

Аукцион савдоси ўтказилмаган мулк бўйича тақририй аукцион савдоси 2019 йил 9 ҳамда 16 август кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртма-номалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 2 август кунидидаги савдо учун 1 август, 9 август кунидидаги савдо учун 8 август, 16 август кунидидаги савдо учун 15 август кунига қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат

пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридида закатат пуллари тўлашлари;

– Жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– Юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олдин-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олдин-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Заказат тўлови учун реквизитлар:

«BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842710001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали. МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан корхона вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртма-номаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел: (99) 862-16-71, E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома: № 576174.

«Best realtor» МЧЖ Farg'ona mintaqaviy filiali маълум қилади:

Ўзбекистон ЁҚКЖ Фарғона вилояти бўлинмасининг 27.06.2019 йил куни 27-сонли буюртма хатига асосан, жамиятга тегишли, Фарғона шаҳар, «Симтепа» МФЙ, Қ.Низий кўчаси, 26а-уйда жойлашган, умумий майдони 653,96 кв.м., фойдали майдони 472,04 кв.м.дан иборат Мазмурий бино ва иншоотлар «Best realtor» МЧЖ Farg'ona mintaqaviy filialining ризлаторлик воситачилик хизматлари орқали сотувга қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 301 270 000 (уч юз бир миллион икки юз етти миң) сўм.

Юқорида кўрсатилган кўчаси мулкни сотиб олишга қизиқиш билдирган талабгорлар куйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. Тел: +99895-402-54-75. Электрон манзил: www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

Лицензия RR-0225.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани «Давлат хизматлари» маркази томонидан №632675-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «SUN WORLD ARCHI» (СТИР: 305724811) масъулияти чекланган жамияти устав жамғармаси 2 000 000 000 (икки миллиард) сўмдан 10 000 000 (ўн миллион) сўмга камайтирилатгани маълум қилинади.

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги «FAVORIT» МЧЖнинг устав жамғармаси 11 007 000 000 (ўн бир миллиард етти миллион) сўмдан 7 000 000 (етти миллион) сўмга камайтирилатгани маълум қилинади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма қўмитаси раиси Дилшода Шоимқуловага падари бузруквори

Холиқ ШОИМҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор эътиди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши тармоқ тизимидаги Қашқадарё вилояти «Сувоқова» давлат унитар корхонаси директори Шавкат Муродовга волидаи мухтарамаси

РАФИҚА аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши Сурхондарё вилояти Ангор тумани тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма қўмитаси раиси Мамарежаб Ҳақназаровга падари бузруквори

Ўраз ҲАҚНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Агрисаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Андижон тумани кенгаши раиси Қозимжон Турғуновга турмуш ўртоғи

Одинажон ТУРҒУНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор эътиди.

Тарғиботнинг ўрни катта

Гугурт билан йўнаётган болага «бу ёнғин келтириб чиқаради», десангиз у ёнғиннинг қандай содир бўлишига қизиқиб қолади. Агарда ушбу ҳолат расмлар ёки видео картиналар орқали кўрсатиб берилса, бу ҳолат уни ҳушёр торттиради.

Мана шу тамойил ҳисобга олинган ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари таълим муассасаларида бўлиб, болажонларга тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришаётир.

Бу жараёнда маҳалла фуқаролар йиғинларининг, таълим-тарбия муассасаларининг хизмати катта бўлмоқда. Тадбирлар таъсирчанлигини оширишда болажонларнинг ўзлари ташкил этган қизиқарли саҳна кўринишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўйлаймизки, олиб борилаётган тадбирлар натижасида эҳтиёткорлик ортади ва ёнғин деган офат ҳеч кимнинг уйида содир бўлмайди.

Эркин АБДУХОЛИҚОВ,

Тошкент вилояти ДЕН инспектори,
лейтенант

Бунёдкорлик огоҳликни талаб этади

Бугун ҳар қадамда қурилиш, бунёдкорлик. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган муҳташам иморатларни кўриб, ҳавасингиз келади.

Бу улкан ишлар учун қанчадан-қанча заҳматли меҳнат, қанчадан-қанча сармоя сарфланаётир. Аммо биргина эҳтиётсизлик оқибатида ана шунча меҳнат кўкка совурилиши мумкинлигини қурувчиларимиз яхши билишади. Шу қурилишда меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги қондаларига ривож қилинади.

Улар нимагадир иборат эканлигини шу ўринда яна бир эслатиб ўтишни жоиз деб билдик.

Қурилиш жараёнида электр энергияси билан ишлайдиган асбоб-ускуналар симларининг очилиб қолиши, сим узайтиргич ва электр розеткаларининг хавфсизлигини таъминлаш лозим.

Шунингдек, қурувчиларнинг махсус вагон-уйларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бунинг учун печлар, электр асбоблар, дудбуронларнинг рисоладагидек ишлаётганини доимо назорат қилиб бориш зарур.

Қурилиш жараёнида ёнғин хавфини юзага келтирадиган ҳолатни сезгандан, албатта, ёнғин хавфсизлиги хизматида хабар бериш даркор.

Унутмаслигимиз керакки, бунёдкорлик ишлари огоҳликни талаб этади.

Бегали ЖўРАЕВ,
Миробод тумани ЁХБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник

Бош прокуратура ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги эътиборига!

«ФАВҚУЛОДДА» ТЎЛОВ... ҲАҚИҚИЙМИ?

Ёки «МЧС»ни паноҳ қилаётган МЧЖларнинг мақсади факат пул йиғишми?

Дам олиш кунини эди. Дарвоза таскаллади, ҳиссам – формали бир йилги бўлибди. Икки ўй наарафат қўшимча зўлға олдига ҳам худди шундай оппоқ форма кийган ана ушбу қўшимча билан гап-лашмоқда. Ававалга Махмурин икки буюрсидан, деб ўйладим. Аммо адалат эътибори...

«МЧС»нинг... деди ўзини икки билан Шавкат Ботиров, деб таништираган йилги. Сўнг эди... ахир ўшунга эътиборимизни қўрсатди, «Ўшунга соди».

«Тўлов қилиб қўйилмайдиган» деди, экан. Йилларнинг узидири қорилиб...

«Тўловнинг қилинади, қилинади қилиб? Қандай тўлов?»

«Фавқулодда вазиятлар» дедим... 32 йилгача йиллик йилим бор. Ана, қўшимча қилишга ҳам беришарди. Бу ҳақда битта сўз қолганини, Тўлов қилишга, қилишга қилиб берарман.

Газетангиз шу йил 13 июнь сонидан содир этилган «Фавқулодда тўлов ... ҳақиқийми? Ёки «МЧС»ни паноҳ қилаётган МЧЖларнинг мақсади пул йиғишми?» сарлавҳали мақолага Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қуйидагича муносабат билдирди:

Тегишли чоралар кўрилди

Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда республикаимиз ҳудудларида «Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси», «Офатларнинг олдини олиш», «Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва қўриқлаш хизмати», «Ёнғинларнинг олдини олиш», «Ёнғинга қарши тезкор кураш» каби масъулияти чекланган жамиятлар тузилиб, улар томонидан фавқулодда вазиятлар ёки ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ҳеч қандай амалий иш қилмасдан, аҳолидан пул маблағлари йиғиб олиш билан шуғулланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Шу сабабли, ушбу ҳолатларни ўрганиб чиқиш ва улар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш юзасидан вазирлик раҳбарияти томонидан жорий йилнинг 18 июнь куни барча ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқларига тегишли топшириқ юборилди.

Топшириқда: Республика ҳудудларидаги барча туман ва шаҳарларнинг ҳар бир аҳоли пункти ва маҳалларини тўлиқ қамраб олган ҳолда аҳоли ўртасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий йўналишлари ва вазифалари тўғрисида зарур маълумотлар бериб борилиши;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг ҳарбий кийими русуми, белгилари, ҳарбий

лодда вазиятлар бошқармалари, бўлимларига қўнғирқоқ қилиш йўли билан хабар беришлари, бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар бошқарма ва бўлимларининг телефон рақамлари тарғиб қилиниши;

Ўзларини ФВВ ходимлари деб таништирган ва тегишли хизмат турини кўрсатмасдан ёки ишларни бажармасдан ноқонуний пул йиғимларини ундириш билан шуғулланган шахслар аниқланган ҳар бир ҳолатда тўп-ланган тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш чоралари кўрилиши лозимлиги, амалга оширилган ишлар юзасидан вазирликка ахборот бериб борилиши кўрсатилди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан жорий йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигидан «Ishonch» газетасида эълон қилинган мақоладан келиб чиқиб, юқорида кўрсатиб ўтилган аксарият масъулияти чекланган жамиятлар ўзларига Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси номларига мазмунан ўхшаш номларни қўйиб олгани сабабли, бундай тадбиркорлик субъектларига давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида давлат бошқаруви органларининг расмий номларидан фойдаланилмаслиги, бундай жамиятларга ном танланганда мақолада кўрсатилган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъектларига эслатиб ўтилиши, давлат бошқаруви органларининг номига ўхшаш ном берилган тадбиркорлик субъектларининг ноини ўзгартириш масаласини қайта кўриб чиқиш кабилар сўралди.

Мазкур соҳадаги ишлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан назоратга олинган бўлиб, юқорида номлари қайд этилган масъулияти чекланган жамиятларнинг қонунга зид фаолияти бўйича оммавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига тушунтириш ишлари амалга ошириб борилиши таъминланади.

Вазирнинг биринчи ўринбосари

А.Қўлдошев

Жиззах вилояти Ижодий учрашув

Ҳаёти давомида улғу амалларни одат қилиб, меҳнати, яратган асарлари билан одамлар дилида эзгу туйғуларга қанот бахш этиш барча ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ана шундай бахти тўқис адиблардан эди. Бунинг тасдиғи ўлароқ, таниқли ёзувчи бугун одамлар қалбида иккинчи умрини яшаяпти.

«Тоҳир Маликни ёд этиб...»



«Зомин» санаторийсида «Бекажон» газетаси ходимлари иштирокида бўлиб ўтган «Тоҳир Маликни ёд этиб...» деб аталган ижодий учрашув ҳам шундан далолат берди. Мулоқотда «Бекажон» газетаси масъул муҳаррири, ёзувчи Холиёр Сафаров ҳамда муҳаррирлар Аслиддин Мустафоев, Сардор Темирхонов ёзувчи Тоҳир Малик ҳақида хотираларидан сўзлаб беришди. Мухлисларнинг, ижодкор ёшларнинг Тоҳир Малик ҳаёти ва ижодига оид саволларига жавоб қайтаришди. Жиззахлик таниқли шоира Шахло Ахророва ўзининг шеърлари билан дам олувчиларга кўтаринки кайфият улашди. Тадбирда Тоҳир Малик хотирасига бағишланган видеолавҳа намойиш этилди. Тоҳир Малик ҳақида илиқ хотираларни гапириб берган, адиб ва асарлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган дам олувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Арофат РАҲИМОВА, «Зомин» санаторийси маданият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими

Фарғона вилояти

Марғилон меҳмонларни чорламоқда

Жорий йилнинг 11-13 июль кунлари Марғилон шаҳрида бўлиб ўтадиган «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари авжида. Тарихий обидалар, музей ва диққатга сазовор жойлар аввал кузатилмаган даражада ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Марғилоннинг «Чодиржамол» фольклор жамоаси ҳам тадбирга муносиб совға ҳозирляпти. Унутилиб бораётган эски лапар ва ўланлар фестивалга мос руҳда қайта ишланяпти. Тадбирга хориждан 500 нафар, республикаимизнинг барча вилоятларидан 1500 дан зиёд меҳмонлар ташриф буюриши кутилмоқда. Уларни жойлаштириш учун ҳозирданоқ 5 та меҳмонхона шай қилиб қўйилди. Улар қаторига янги барпо этилган «Увайсий» оилавий меҳмон уйи ҳам қўшилди. Фестивалнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этувчи баннер-паннолар нафақат Фарғона вилоятида, балки Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразмда ҳам ўрнатилди. Шаҳардаги диққатга сазовор жойлар эса 3D форматда uzbekistan360.uz сайтига мунтазам жойлаштирилмоқда. Ушбу веб-сайтдан ҳозиргача Марғилоннинг энг диққатга сазовор жойлари ҳақида



маълумот ва суратлар ўрин олди.

Мухтасар айтганда, «Буюк ипак йўли» халқаро фестивали халқимизнинг айниқса, ёшларнинг миллий ғурурини юксалтириш билан бирга, уларни ватанпарварлик

руҳида тарбиялашда ҳам ўзига хос муҳим воқелик сифатида тарих саҳифаларига ёзилишига шубҳа йўқ.

Жамшид ЭРҒАШЕВ, «ISHONCH»

Онамнинг бир «касал»и бор. Китоб ўқимаса турулмайди. Газета ва журналлар-ку жони дили. Биз фарзандларига ҳам бу одат юққан.

Кўнгил битиклари



Онамдан юққан «дард»

Эндиликда неваралари, эвараларини ҳам ёнига олиб бирор нима ўқиб ўтиради. Ҳар сафар Самарқандга отланар эканман, журналлар ва китоблар билан сумкамни тўлдирман. Биламан, бу олиб борганларим янаги кўришгунимизча онамнинг қўлида беш-олти, акаларим ва опаларим қўлларида бир-икки марта айланиб чиқади. Уларнинг ўз китоблари ҳам шу тарзда давра кезиб чиқади. Яқинда телеграм ижтимоий тармоғига уланган қариндошларимни бир гуруҳга жамладик. Ота-онамнинг расмини тепага қўйиб олганмиз. Ҳар кун омонлашиб турамыз. Қариндошларнинг бири Россия, бири Туркия, бири Америка дегандай, хорижда ризқини териб юрибди. Лекин яхши анъанамиз бор. Ҳар ким янги ўқиналган китоби ҳақида ёзади. Бошқалар фикрини айтади. Бу кичкина авлодга китобни топиб ўқиш учун рағбат эканини яхши биламиз. Катта акам пенсияга чиққанидан бери китоб тарғиб қилади. Айниқса, онам уйга ким келса, ўқиган нарсаларини гапириб беради (ғийбат қилишни билмас шу-да). Мен олиб борган китоб ва журналларни-ку, қўяверинг, авайлаб асрайди (Янаги сафар келганимда қайтариб олиб кетаман, деб


Манзура ШАМС

Қашқадарё вилояти

«Ishonch» газетасида Чироқчи тумани Мойлижар қишлоғи фуқароларини қийнаётган муаммо ҳақида «ҚИСКА ЙЎЛНИНГ УЗОҚ ҲАВҒОСИ ЁХУД УЧ КИЛОМЕТРЛИК ЙЎЛ ҚАЧОН СОЗ БЎЛАДИ?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди.

«Ishonch»да чоп этилгач...

Йўл битди



Мақолада Чироқчи туманининг Мойлижар ва Косон туманининг Олатўн қишлоқлари туташган жойдаги 3 километрлик йўлнинг асфальти қайта таъмирлаш мақсадида бузиб ташлангани, бироқ у охирига етмай тўхтаб қолгани, ахир оқибат, йўлда қатновнинг кўплиги туфайли унинг ҳолати янада ёмонлашиб, аҳолининг қийналишига сабаб бўлаётгани ҳақида сўз юритилганди. Аҳоли йўл таъмири масаласида турли идораларга кўп бора мурожаат қилиб чарчаган эди.

Шундан сўнг «Ishonch» газетасида мазкур мақола чоп этилгач, Қашқадарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармасидан йўл тезда созланиши ҳақида жавоб олинган эди.

Яқинда Мойлижар қишлоғи аҳлидан хушхабар эшитдик. Нуроний отахон Дўстмурод бобо ғаниевнинг билдиришича, йўлсозлар тўрт кун ичида машинанинг умрига, инсонларнинг асабига эгав бўлиб келаётган йўлни асфальтлаб кетишибди.

Қишлоғимиз аҳолиси қўшни Косон туманидаги Олатўн бозорига, қолаверса, янги таъмирланган йўл орқали Қарши шаҳрига эмин-эркин қатнашпти, — деди Дўстмурод бобо. — Ушбу йўлдан юрадиган қишлоқлар аҳолисининг қувончи чек

сиз. Узунлиги 2200 метр, эни 7 метр, 5 сантиметр қалинликдаги асфальт тўшалди. Яна бир истиғимиз бор: йўлнинг узоқ йиллар беталафот, бузилмасдан халққа хизмат қилиши учун йўлсозлар асфальтнинг икки четига бир метр кенгликда шағал тўшаб беришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳар хил юк машиналари юрганда, асфальтнинг чети уваланиб, емирилиб кетиши муқаррар. Бу масалада Қашқадарё вилояти ҳудудий йўллар бошқармаси бош муҳандиси Бўри Файзиевга мурожаат қилганимизда, у ҳам бу фикрни маъқуллади. Демак, умид қиламиз, йўлсозлар хайрли ишларини охирига етказиб қўйишади...

Биз билан суҳбатда қишлоқ фуқаролари Раҳмат бобо Бердиев, Абрай бобо Шодмонов ҳам ўз шодликларини изҳор этишди.

— Бўлар экан-ку, — дейди Раҳмат бобо. — Тўрт кунда би-тадиган ишга тўрт йил югурибмиз-а. Хурсандимиз. Фақат биз «тилаб олган асфальт йўлимиз»нинг кўп йиллар хизмат қилиши тарафдоримиз. Шунинг учун йўл четига унинг шағалини ҳам тўкиб беришларини илтимос қилиб қолардик...

«Ishonch» мухбири Акмал АБДИЕВ ёзиб олди.

Тошкент шаҳри

Азим пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудуди одамлари аллақандай ўзига хос фазилатлари, одамхунлиги билан ажралиб туради. Ўзбек миллатининг асл миллий руҳини сақлаб қолган гўшада ўзгача файз кўзга ташланади. Ҳатто кўчада ўйнаб юрган жажжи болакайлар катталарни кўрганда дарров ҳушёр тортиб, миттигина қўлчаларини кўксига қўйиб саломга ошиқишади. Ораста супирилиб, сув сепилган серфайз кўчаларнинг бирида ўзбек педагоги, биринчи ўзбек «Алифбо»си муаллифи Оқилхон Шарафиддиновнинг хонадони бор.

«Биринчи устоз» хонадониди

Ушбу гўшада бугунги кунда устознинг фарзанди Мақсуд Оқилов ва унинг фарзанд, набира-эваралари яшайди. Ортиқча ҳашамсиз, мева-дарактлар соя солиб турган ҳовлида айнан шу ҳудудгагина хос бўлган чорпоқ, тўрқовоқда сайраб турган бедана киши диққатини ўзига тортади.

Ёши 93 га етган М.Оқиловнинг хонадонига бир кучоқ гулдаста ва совғалар билан ташриф буюрган Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Равшан Маҳмадалиев ва бир гуруҳ фаоллар отахоннинг дуосини олиб, кўнглини кўтардилар. Ўз меҳнат фаолияти давомида «Жасорат» медали, намунали меҳнати учун касаба уюшмаларининг қатор фажрий ёрликларига сазовор бўлган отахоннинг босиб ўтган ибратли ҳаёти йўли, хотиралар дафтарига назар солинди.

Шайхонтоҳур тумани «Янги шаҳар» маҳалласида истиқомат қилувчи Мақсуд Оқилов бугун 3 нафар фарзанди, 11 нафар невара ҳамда 20 нафар эвараси меҳри оғушида. Барчанинг кўнглини бир оз ҳайрат, бир оз ҳавасга солган суҳбатда отахон баъзан кўзига ёш олиб, чуқур хўрсиниб, баъзан эса энтикиб ўз хотиралари саҳифасини бирма-бир ва рақдай бошлади.

... У ўқитувчилар оиласида улғайди. 7 нафар фарзанднинг тўртинчиси Мақсудхон болаликдан тиришқоқ, илмга чанқоқ, барча яқинларига меҳрибон фарзанд бўлиб улғайди.



Болалик гаштини суриб улгурмай уруш бошланди. Оиланинг 3 нафар ўғлони жангу-жадалга отланди. Мақсудхон айни ўспирин чоғи, ҳали 18 га ҳам кирмай Самарқанд шаҳрида ёғоч милтиқ билан 3 ойлик тайёргарликдан сўнг юпқагина хашак тўшалган, «добро-волец» деб ёзилган қизил вагонларнинг бирига чиқиб ғарб сари йўл олди. У урушда Прага, Венгрия ва Руминия давлатларигача борди. Рейхстагга ғалаба байроғи қадалганига гувоҳ бўлди. Уруш тугагач ҳам мазкур давлатларда тикланиш давридаги мураккабликларини бартараф этиш мақсадида хизматини давом эттириб, 1948 йил баҳорда

Ватанига қайтди. Бу орада унинг уч нафар акаси урушда ва 15 ёшлик опаси уруш туфайли оламдан ўтган эди...

Хотиралар шу ерга етганда отахоннинг кўзидан сизиб чиққан ёшлари жигарлари ҳасратидан қолган ажинлар оралаб юзини ювди...

Мақсудхон 1950-1951 йиллари Тошкент ветеринария техникумида ўқиб, у ерни тамомлагач, Сурхондарё вилояти Бойсун туманига ишга юборилди. Турли экспедицияларда қатнашди. 1962 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Онкология ва радиология, рентгенология илмий-тадқиқот институтида ўз меҳнат фаолиятини давом эттирди. 80

Меҳнатда обрў топганлар

ёшга киргунига қадар ишлади. Институт раҳбарияти Мақсуд Оқиловни 1996 йилда пенсияга чиққан бўлишига қарамай, юксак малакаси, ҳалол меҳнати ва ёшларга муносиб мураббий эканлиги туфайли қўйиб юбормади...

Суҳбатда у кишининг ўғли Саидодил Оқилов ҳамда келини Муқаддам Оқилова қўшилди. Саидодил отасининг талабчанлиги, меҳнаткашлиги ҳақида фикр билдирса, келини Муқаддам меҳрибонлигини алқайди.

— Бу хонадонга келин бўлиб келганимда Оқилхон бобомиз ҳаёт бўлганлар. Ўрта мактабни битириб, Педагогика институтига кира олмагач, ҳамширалик курсларини томонладим. Олий маълумот олиш истиғимни билдирганимда бобомиз ҳам, дадамиз ҳам мени қўллаб-қувватлади. Оқилхон бобомиздек зиёли инсонга муносиб бўлишни жуда ҳам истардим. Мана, уларнинг кўмаги, насиҳатлари билан жамиятда ўз ўрнини топдим.

Самимий суҳбат ҳазил-мutoйибага айланиб борар экан, Мақсудхон бобо ҳар бир ҳазилнинг замирига бирор-бир ҳикматни кистириб ўтарди. Албатта, бир асрга етгулик, умрнинг ўнқир-чўнқирларидан ўтиб, суронли уруш йилларини кўрган отахон — кўпчилигимизнинг савод чиқаришимизга сабабчи бўлган биринчи ўзбек «Алифбо»си муаллифи Оқилхон Шарафиддиновнинг фарзанди бошқача бўлиши мумкин эмас-да.

Дилкаш суҳбат билан вақт алламаҳал бўлиб қолганини балмай қолибмиз. Отахоннинг оқиллик қалити — ҳалоллик, меҳнат, сабр ва қаноатда, деган сўзларини дилимизга тугиб, оптимизмга қайтдик.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»

МУАССИС:



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқлиқлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди.
«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоуси келишилган нархда.
Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-25
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов
Мусаҳҳих: З. Исмоилов
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдумаликов
ЎЗА яқини — 21:30
Топширилди — 00:00
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳафти 2 босма табоқ. Бюджетга Ғ — 717.
28000 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133